• *25 декабрь — Сайловлар куни*

# ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА – ХАЛҚЧИЛ, АДОЛАТПАРВАР ЖАМИЯТНИ

## Жўра НОРАЛИЕВ, Сурхондарё вилояти ҳокими:



Истиқлол Ватанимиз тарихида янги саҳифалар очмоқда. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда жаҳон демократияси андазаларига мос ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни -- Конституциямиз ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилингани демократик, ҳуқуқий давлат асосларини бунёд этишда муҳим босқич бўлиб хизмат қилаяпти.

Кўппартиявийлик асосида ўтадиган бўлажак сайловларда сиёсий партиялар билан бир қаторда халқ депутатлари Кенгашлари ҳам ўз номзодлари билан иштирок этишлари бўлажак депутатларни танлаш борасида сайловчиларга катта имкониятлар яратади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жойларда нафақат сиёсий партияларнинг, балки аҳоли барча қатламларининг манфаатларини ҳимоя қиладиган кишиларни ҳам номзод қилиб кўрсатдилар.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг сайловолди дастурида республикамиз Президенти И. А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва бозор иқтисодиётини жорий этишнинг беш тамойили асос қилиб олинди. Албатта, вилоятда бошланган иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш ва бозор муносабатларини шакллантириш дастуримизнинг ўзагини ташкил этади. Унда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

-- Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган қишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш, ғалла, картошка, сабзавот ва полиз майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириб бориш орқали 2000 йилгача вилоят аҳолисини бу неъматларга бўлган талабини тўла қондириш;

-- вилоят аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқда истиқомат қилишини ҳисобга олиб, қишлоқ жойларда маҳсулотларни қайта ишловчи кичик саноат корхоналари ва цехлар ташкил этиш;

-- қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш;

-- Бобоտоғ ва Тибет массивларида янги ерлар ўзлаштириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик тадбирларни фаол амалга ошириш;

-- вилоятни хомашё етиштирувчи воҳадан тайёр саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган худудга айлантиришга жиддий эътибор қаратиш.

Ҳокимликнинг 1995--2000 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурига кўра, шунингдек, Шеробод ва Шўрчи туманларида пилла ва пахтани қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳамда оёқ кийимлари тайёрлайдиган корхоналар, Жарқўрғон ва Сариосиё туманларида шиша идишлар заводлари қурилиши ниҳоясига етказилади. Минтақадаги табиий бойликлардан самарали фойдаланиш, жумладан, Хўжаикон туз конида Америка фирмаси билан ҳамкорликда ош тузини қадоқлайдиган линия қуриш, Кампиртепа гранит карерини ишга тушириш ва унинг маҳсулотларини чет элга экспорт қилишни йўлга қўйиш, Бойсун конида кўмир ишлаб чиқаришни янада ошириш мўлжалланади. Тўпаланг сув омбори қурилиши якунланиб, Тўпаланг гидроэлектростанцияси қурилиши жадал суръатларда олиб борилади.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши ва ҳокимлик қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашга асосий эътиборини қаратади. Шу мақсадда шаҳар ва туманларда 1995-2000 йилларда 1800 км. табиий газ ва 950 км ичимлик сув қувурлари ётқизилади. Ушбу режаларнинг беками-кўст бажарилиши вилоятимиз аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш имконини беради.

Олдимизда Бандижон ва Сариосиё туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш вазифаси турибди. Ана шу вазифанинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек, вилоят маркази -- Термиз шаҳри ва Жарқўрғон, Шеробод, Шўрчи туманлари марказларини қайта қуриш ҳамда замонавий ижтимоий-маданий иншоотлар, саноат корхоналари бунёд этиш эвазига уларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш дастуримизга асосий банд сифатида киритилган.

Аҳолини уй-жой, ер участкалари билан таъминлаш ҳам диққат марказимизда бўлади. Якка тартибда уй қурувчиларни қурилиш ашёлари ва узоқ муддатли ссудалар билан таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилади.

Вилоятда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, янги саноат корхоналари, кичик ва қўшма корхоналар ташкил этиш ҳисобига 1995-2000 йилларда 30 минг нафар кишига доимий иш жойлари яратиш кўзда тутилади.

Маданият, халқ таълими, тиббий хизматни яхшилашга қаратилган муҳим тадбирлар белгиланган. Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида Музработ, Қумқўрғон, Қизириқ, Денов туманларида замонавий маданият саройлари, барча туман ва шаҳар марказларида эса болалар учун ихтисослаштирилган санъат мактаблари барпо этиш режалаштирилган.

Юртимизнинг келажаги ва истиқболи -- ёш авлоднинг тадбиркор, ташаббускор, фан ва техника сирларини пухта эгаллаган мутахассислар бўлиб етишишлари учун халқ таълими тизимини такомиллаштириб бориш, мактаблар, ўқув юртларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш ва янги турдаги таълим муассасаларини барпо этишга катта аҳамият берилади. Ушбу мақсадларда вилоятда 25 та лицей, 20 та гимназия ва кўплаб янги типдаги мактаблар ташкил этилади.

Термиз шаҳрида ҳиндистонликлар билан ҳамкорликда дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи «Сурхон-Аджанта Фарма лимитед» қўшма корхонаси қурилиши якунланади. Вилоятдаги мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва уларни замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминлаш борасида комплекс тадбирлар амалга оширилади. Бундан ташқари, тоғолди минтақаларда курорт ва соғломлаштириш масканлари қурилишига алоҳида эътибор берилади. Бойсун тумани ҳудудида қурилиши бошланган «Оналар ва болалар» санаторийси ишга туширилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг кам таъминланган қатламлари бўлган ногиронлар, кўп болали ва боқувчисини йўқотган оилаларни моддий жиҳатдан муҳофаза қилишга эътибор кучайтирилади. Вилоятимизнинг бой тарихий меросини асраш ва авайлаш, жумладан, Ҳаким ат-Термизий мақбараси ҳудудини қайта қуриш ҳамда бу масканни халқаро туристик масканга айлантириш, Фаёзтепа, Далварзин, Қирққиз, Кокилдорота каби тарихий обидаларни тиклаш, уларни сайёҳлик йўналишларига киритиш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилади.

Вилоятда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлаш, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ўстириш ва ёш авлодни тарбиялашга жиддий аҳамият берилади. Жойларда туман, шаҳар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларининг имкониятлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашни кучайтиришга сафарбар этилади. Вилоятнинг ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эҳтиёжини тўларoқ қондириш мақсадида Термиз давлат университетида ҳуқуқшунослик факультети ташкил этилади.

Вилоятимиз Ўзбекистоннинг жанубий дарвозаси эканлиги ва кўплаб давлатлар билан чегарадошлигини ҳисобга олиб, Афғонистон Ислом Республикаси, Тожикистон, Туркманистон давлатлари билан дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳудуднинг умумий манфаатларига мос келадиган ижтимоий-иқтисодий шартномалар тузиш, ўзаро ҳамкорликда кичик ва қўшма корхоналар ташкил этишдек муҳим вазифалар ҳам дастуримиздан ўрин олган. Шунингдек, Термиз аэропортида чет эл самолётларини қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш ташкил этилади.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши ва ҳокимлик ушбу фаолиятни амалга оширишда, албатта халққа таянади ва ўзининг бутун кучини вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратади.

## Мирзажон ИСЛОМОВ, Фарғона вилояти ҳокими:



ҲОЗИРГИ кунда мамлакатимизда ўтиш даврининг ўзига хос ва мос иккинчи босқичи амалга оширилмоқда. Бу босқичда республика Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг соғлом кучлар билан янада бойиши диёримизда кечаётган чуқур иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларни ниҳоясига етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Халқ депутатлари Фарғона вилояти, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ана шу ўзгаришларга дахлдор Фармонларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида тинмай изланмоқдалар. Куни кеча жонажон диёримизни озод, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам мамлакатга айлантириш ишига ўз ҳиссаларини қўшадиган, ҳалол ва самимий, фидокор ва қатъиятли, ҳамиша халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйишга қодир бўлган фуқароларимиз Олий Мажлис, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзод этиб кўрсатилди. Вилоят Кенгаши эса сайловолди арафасидаги ўз дастурини белгилаб олди. Унинг асосий йўналишлари халқ хўжалигининг барча тармоқларига оид ислоҳотларни тезлаштириш ва рўёбга чиқаришга қаратилган. Бошқача айтганда, ҳокимликнинг бу йўлдаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий ислоҳотлар бўйича:

-- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга кенг йўл очиш;

-- ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатаётган ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий, жамоа ҳамда мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш орқали кўп тармоқли иқтисодиётни ривожлантириш;

-- хўжаликлараро алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, товарлар, сармоя, ишчи кучи ва бошқа шу каби бозор унсурларини шакллантириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш;

-- қатъий молиявий сиёсат ўтказиш, шу орқали иқтисодий вазиятни соғломлаштириш учун асосий эътиборни бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиришга қаратиш;

-- монополистик корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг улгуржи ва чакана нархлари ошириб юборилишига йўл қўймаслик.

2. Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа соҳалари, аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича:

-- аҳоли бандлиги муаммолари ечимига алоҳида эътибор бериш;

-- қишлоқларга саноатни олиб кириш, жумладан, бу жойларда пахта хомашёсини қайта ишловчи ўрта қувватли тўқимачилик корхоналари қуриш;

-- аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланиш;

-- ободончилик ишларини янада кенгайтириш, янги савдо марказларини барпо этиш;

-- фуқаролар томонидан якка тартибда уй-жой қурилишини имкони борича рағбатлантириш;

-- кам таъминланган оилалар учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига уй-жой қуришни давом эттириш;

-- бюджет маблағлари ҳисобига шаҳар ва туманларда мактаблар, боғчалар, касалхона ва поликлиникалар қурилишини олиб бориш;

-- аҳоли учун қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш;

-- саноат, қурилиш, транспорт тармоқлари ишини такомиллаштириш учун чет эл сармояларини жалб этиш;

-- алоқа тармоғини замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозлаш ишларини давом эттириш ва вилоятда радиотелефон алоқа тизимини яратиш;

-- янгитдан барпо этилаётган саноат корхоналарида экологик тоза технологияларни қўллаш.

3. Фан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича:

-- ёшларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш;

-- ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятдаги ролини ошириш;

-- фан ва техникани ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

-- оналик ва болаликни ҳимоя қилиш;

-- даволаш ва профилактика муассасалари ишини яхши йўлга қўйиш;

-- тиббиёт масканлари, фуқароларни дори-дармонлар билан тўлиқ таъминлаш чораларини белгилаш;

-- соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш;

-- нафақахўрлар, ёлғиз кишилар, фахрийларга нафақаларни ўз вақтида етказиб бериш.

4. Қишлоқ хўжалиги бўйича:

-- бу соҳада ўтказилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, мулк эгаларига эркинлик бериш орқали уларнинг масъулиятини ошириш;

-- хорижий инвестицияларни қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратишга йўналтириш;

-- яқин йилларда ғалла мустақиллигига эришиш;

-- теракчиликни ривожлантириш ёрдамида аҳолини ёғочтахта билан таъминлашни яхшилаш, қишлоқ хўжалигига замонавий техника ва технологияни жорий этиб, илғор мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда меҳнат унумдорлигини кескин ошириш;

-- етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

5. Қонунчилик ва ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлаш бўйича:

-- ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш, ҳар бир содир этилган жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлашга эътибор бериш;

-- аҳолининг тинчлиги, осойишталиги, фуқароларнинг соғлиги, ҳаёти, қадр-қиммати, мол-мулки дахлсизлигини ҳимоя қилиш;

-- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш юзасидан барча чора-тадбирларни кўриш;

-- юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқимизнинг хотиржам яшаши ва меҳнат қилиши учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг масъулиятию фидойилигини орттириш.

6. Маданият ва миллатлараро муносабатлар масалалари бўйича:

-- тарихий маданиятимиз, миллий қадриятларимиз, урфодатларимизни тиклаш;

-- аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш;

-- миллатлараро муносабатларни янада яхшилаш учун зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, туман ва шаҳар кенгашларидан халқ депутатлари вилоят кенгаши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига кўрсатилган номзодлар ушбу сайловолди дастурини ҳаётга татбиқ қилиш йўлида бутун билими, салоҳияти ва куч-қудратини бахшида этишларига шак-шубҳа йўқ.

## Мирзамурод ИКРОМОВ, Тошкент вилояти ҳокими:



ТОШКЕНТ вилоятида бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Депутатликка номзодлар орасида етук иқтисодчилар, малакали ҳуқуқшунослар, замонавий фан ва техниканинг билимдон олимлари, фермерлар, ишбилармонлар, тадбиркорлар ва бошқа соҳа вакиллари борки, уларнинг ҳар бири республикамизнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўша олишларига ишончимиз комил.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидан кўрсатилган номзодлар бугунги кунда ўзларининг мукаммал сайловолди дастурларига эгадирлар. Хусусан, вилоят халқ хўжалиги барча соҳаларини ривожлантириш, халқимизнинг моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш унинг асосий мағзини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда дастуримиз республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар дастурининг изчил давомидир.

Айни пайтда биз саноатдаги аҳволни чуқур таҳлил этиб, келгусида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, вилоятдаги йирик корхоналарнинг қувватини тўла ишга солиш учун ички резервлардан фойдаланиш ва айни пайтда уларнинг хомашё базасини мустаҳкамлаш учун қўшни давлатлардаги корхоналар билан бевосита алоқани яхшилаш лозим. Бу вилоят иқтисодиётига жуда катта самара келтиради.

Иккинчидан, бозор иқтисодиётига жадаллик билан кириб бораётган эканмиз, саноат корхоналарини маҳаллий хомашёларга мослаштиришимиз, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини кескин ошириш, дунё бозорига рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар чиқариш, пировардида экспорт имкониятларидан тўлиқ фойдаланишимиз зарур.

Учинчидан, жаҳондаги энг илғор технологияларни вилоятга кенгроқ жалб этиш, шу тариқа қўшма корхоналар сонини кўпайтириш лозим. Ҳозирги кунда вилоятда 64 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 32 таси фаолият кўрсатмоқда. Зеро, Ўзбекистонимиз келажаги -- экспорт имкониятини ривожлантиришдан иборат деган шиор дастуримиздан мустаҳкам ўрин олган.

Тўртинчидан, ёқилғи-энергетика саноатида ислоҳотлар чуқурлаштирилади. Бу соҳада тежамкорликни янада ошириш ва хизмат кўрсатишни яхшилаш муҳим омиллардан биридир.

Бешинчидан, қишлоқ туманларида саноатни, айниқса қайта ишлаш саноатини ривожлантириш лозим. Бу масала юзасидан вилоятда махсус дастур ишлаб чиқилди. Ўтган бир йилда 12 та туманда саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115-120 фоизга ошди. Келгусида чет эл инвестицияси, ишбилармон ва тадбиркорлар сармоясини қишлоққа йўналтириш асосий вазифаларимиздан биридир. Қишлоқ жойларида кичик ҳажмдаги ихчам корхоналар қуриш, қишлоқ аҳолисини кўпроқ хизматнинг бошқа турларига жалб этиш зарур. Дунёнинг илғор давлатлари тажрибасидан маълумки, аҳолининг атиги 5-6 фоизи қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд. Айни пайтда бу тажриба кенг қўлланилаяпти ва келгусида вилоятда шу дастурга амал қилинади. Сўнгги бир йилда вилоятнинг қишлоқ туманларида 8 мингдан ортиқ қўшимча иш жойлари яратилди.

Тошкент вилояти аҳолисининг қарийб 70 фоизи қишлоқда истиқомат қилади. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги вилоят халқ хўжалигининг етакчи тармоғидир. Шу боис бу соҳани ривожлантириш биз учун жуда катта аҳамиятга эга.

Вилоятимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида қатор муаммолар йиғилиб қолган. Бизнинг келгуси фаолият дастуримизда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари қатъий белгиланган. Шу мақсадда вилоят ҳокимлиги томонидан мукаммал дастур ишлаб чиқилган. Келгусида ернинг унумдорлигини ошириш, унга бўлган муносабатни ўзгартириб бориш чоралари кўрилади. Ерни ҳақиқий эгасига бериб, экинлар ҳосилдорлигини кескин оширишга эришилади. Биз бу борада қуйидагиларни назарда тутамиз: фермерларга, деҳқон хўжаликларга етарли миқдорда ер ажратиш, техника таъминотини яхшилаш, пудратчиларга кенг йўл очиш, мулк эгаларига тўла хўжалик эркинлиги бериш, уларга сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш. Иккинчидан, қишлоқ хўжалигига илм-фан ютуқларини тезроқ олиб кириш керак. Олим билан деҳқон ҳамкорлигини чуқурлаштириш лозим. Чунки, кейинги йилларда Тошкент вилоятида худди шу масалага бўлган эътибор сусайтириб юборилган. Ҳолбуки, қишлоқ хўжалиги илмий татқиқот институтларининг аксарияти вилоят ҳудудида жойлашган. Шунингдек, илғор давлатлар тажрибасини қўлламай туриб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мураккаб эканлигини шароитнинг ўзи кўрсатмоқда. Тошкент вилоятида зудлик билан пахтанинг эртапишар, серҳосил навларини яратиш, сабзавот уруғчилигини ривожлантириш, наслдор моллар туёғини яратиш муҳим вазифамиз ҳисобланади.

Учинчидан, қишлоқда қайта ишлаш саноатини кенгайтириш асосий дастурларимиздан бири ҳисобланади. Деҳқон тайёр маҳсулотни сотмас экан, иқтисоди ҳеч қачон мустаҳкам бўлмайди.

Тўртинчидан, ғаллачиликни ривожлантириш энг долзарб вазифаларимиздан бири бўлади.

Бешинчидан, халқимизда «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» деган нақл бор. Дарҳақиқат, техниканинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти беқиёс. Шундай экан вилоятда техника таъминоти масаласини ҳал қилишимиз лозим.

Ҳар қандай иқтисодий ислоҳот пировардида инсонга хизмат қилиши зарур. Саноатни, қишлоқ хўжалигини, умуман халқ хўжалигини ислоҳ қилиш, ишбилармонлик, тадбиркорлик, деҳқон-фермер хўжаликларига кенг йўл очиш орқали халқимизнинг ижтимоий аҳволини ҳам яхшилаб бориш дастуримиздан мустаҳкам ўрин олган.

Тошкент вилоятида ижтимоий соҳаларни ривожлантиришнинг беш йиллик дастури ишлаб чиқилган. Бу бежиз эмас, албатта. Кўплаб туманлардаги қишлоқлар тўлиқ газлаштирилмаган. Жумладан, Бўка, Пискент, Паркент, Оққўрғон туманлари бор-йўғи 20-25 фоиз газлаштирилган, холос. Биз келгусида қишлоқларни тўлиқ газлаштириш билан бирга тоза ичимлик суви таъминотини ҳам яхшилаш чораларини кўрамиз.

Бундан ташқари соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият соҳаларида ислоҳотларни чуқурлаштириш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир. Юртимизда маънавият ва маърифат доимо устун бўлиб келган. Ўтмишсиз келажак йўқ, деган ақидага амал қилиб, тарихий қадриятларимизни тиклаш мақсадида «Жума -- маърифат куни» деб эълон қилинди ва бу борадаги тадбирларимиз давом эттирилади.

Шунингдек, миллатлараро муносабатлар дастуримизда асосий масалалардан бири сифатида ўрин эгаллаган. Зотан, вилоятимизда бугунги кунда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаб, меҳнат қилмоқдалар.

Хуллас, асосий мақсадимиз Тошкент вилоятини иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш, уни обод ва кўркам воҳага айлантиришдир.

## Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Хоразм вилояти ҳокими:



Шу йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистон Конституциянинг қабул қилинганига икки йил тўлади. Жаҳондаги кўплаб сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар янги Қомусимизни энг халқчил, демократиянинг барча қонун-қоидалари чуқур ҳамда атрофлича акс эттирилган Қомус деб эътироф этишди.

Шу уч йил давомида демократияни ривожлантириш бўйича мамлакатимизда кўплаб юмушлар амалга оширилди, қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонун ҳам ана шундай ҳужжатлар сафидан муносиб ўрин олди. Шуниси ҳам қувончлики, илк бор кўппартиявийлик асосида ўтказиладиган сайловлар, уларнинг ҳаққчиллик руҳини хорижлик кўплаб сиёсатчилар алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Дарҳақиқат биз буюк ўзгаришлар даврида яшамоқдамиз. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ўтган давр ичида миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга замин яратган иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар амалга оширила бошланди.

Шу йил 25 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Олий Мажлисига ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловлар ҳам ана шу тарихий жараённинг муҳим босқичидир.

Шу боис депутатликка номзод қилиб халқимиз орасида обрўли, ҳалол ва пок, бугунги ислоҳотларнинг моҳиятини теран англаган одамлар кўрсатилди. Улар орасида турли касб эгалари, зиёлилар, раҳбар кадрлар мавжуд.

Ва ишончимиз комилки, янги Парламентга сайланганлар мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга катта улуш қўшишади.

Уларнинг ҳар бири ўз мукаммал дастурига эга бўлиб, бу дастурлар халқ депутатлари вилоят Кенгаши дастури ила ҳамоҳангдир.

Умумдастуримизда эса, аввало, қишлоқда ислоҳотларни изчил ва қатъият билан ўтказиш биринчи ўринда туради. Фан, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот, миллий қадриятларни тиклашга ҳам кенг ўрин ажратилган.

Вилоятимизда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, фуқаролар ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, мулкни ҳақиқий эгасига топшириш инсоннинг эркин, самарали меҳнат қилиши учун қулай имкониятларни яратиш бизнинг асл мақсадимиз ҳамда номзодларимизнинг сайловолди ижтимоий ва иқтисодий платформасининг асосидир.

Ҳозир қурилиш ишлари олиб борилаётган катта-кичик давлат, қўшма, чет эл тўқимачилик, озиқ-овқат, машинасозлик корхоналари ишга туширилгач, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш бир неча баробар кўпаяди ва минглаб янги ишчи ўринлари барпо бўлади.

Мамлакатимиз ва шу жумладан вилоятимиз аҳолисини ғалла, картошка, мева, сабзавот, гўшт ва бошқа тур қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда:

-- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Қизилқум ва Қорақум массивларида янги ерлар ўзлаштириш;

-- самарали уруғчилик тизимини шакллантириш, жаҳон илғор тажрибаларини деҳқончиликка кенг жорий этиш;

-- ерни ҳақиқий миришкор деҳқон, чорвадор ва мутахассислар қўлига топшириш;

-- ердан йилига икки маротаба ҳосил етиштириб, вилоятнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш;

-- оғир экологик вазиятни эътиборга олиб, қишлоқ хўжалигида инсон саломатлиги ва табиатга зиён етказувчи кимёвий моддалардан воз кечиш йўлини давом эттириш каби режалаштирилган ишларимиз тез орада ўз самарасини беради, деб ўйлайман.

Халқ саломатлигини муҳофаза қилишни яхшилаш учун тиббиёт муассасаларини дори-дармон, замонавий тиббий ускуналар билан таъминлашни яхшилаш, дори-дармон тақчиллигининг олдини олиш мақсадида тегишли муассасалар раҳбарлари ва жамоалар масъулиятини оширишнинг кенг ва комплекс тадбирлари кўрилади.

Халқ таълими соҳасида ўқитувчилар малакасини ошириш, таълим-тарбия сифатини яхшилаш бўйича бошланган ишлар изчил давом эттирилиб, ёшларнинг касб танлашига кўмаклашувчи устоз-шогирд анъаналари ривожлантирилади.

Маданият, санъат намояндалари, ижодкорлар иш ва турмуш шароитларини яхшилашга кенг эътибор қаратилади. Халқимизнинг маданий қадриятларини тиклаш, ўрганиш, авайлаб-асраш дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Ёшларни ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак маданиятли авлодни вояга етказиш диққат марказимизда туради. Бу ишда жамоат ташкилотлари, уюшмалар билан ҳамкорлик кучайтирилади.

Фуқаролар ва оилаларга турли жамғармалар, уюшмалар ва давлат йўли билан ёрдам тизими мувофиқлаштирилади. Ижтимоий ҳаётда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари яъни, қишлоқ, маҳалла, шаҳарча фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқоллари ролини оширамиз. Бу тизим иқтисодий мустаҳкамланади, маҳаллаларда халқимиз учун зарур хизмат шохобчалари кўпайтирилиб, уларнинг иш сифати тубдан яхшиланади.

Вилоятимизда жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада қонун устиворлигини таъминлаш бўйича маъмурий органлар билан комплекс тадбирлар амалга оширилади.

Буюк ипак йўлида жойлашган Хоразмнинг халқаро ҳамкорлик имкониятларини кенгайтириш ҳақида ўйлаяпмиз. Устюрт орқали Россияга чиқадиган тош йўл, «Дружба-Учқудуқ» темир йўли қурилишини тезлаштириш ҳам моддий ва маънавий ҳаётимизда юксак ўрин тутиши, шубҳасиз.

Бугун бизга халқ дарди ва ташвишлари билан яшайдиган, ислоҳотларнинг ҳамма босқичлари учун самарали хизмат қила оладиган қонунлар яратишга қодир юксак савиядаги парламент зарур.

Халқимиз -- доно. У Олий Мажлисга кимларни сайлашни, ким учун астойдил овоз беришни яхши билади.

# ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДИР

## Темир ХИДИРОВ, Қашқадарё вилояти ҳокими:



Жонажон Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганига энди уч йилдан ошаяпти. Лекин ана шу қисқа даврда муқаддас Ватанимиз ниҳоятда катта ютуқларни қўлга киритди. Мустақил мамлакатимизнинг халқаро майдонда сиёсий-иқтисодий, маънавий соҳаларда қўлга киритаётган бу муваффақиятларининг асосий кафолати, фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва шу асосда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши бўлди.

Агар Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчи бўлиб муқобиллик ва чинакам демократия тамойиллари асосида ўтказилган Президент сайлови мамлакатимизда осойишталикни қарор топтириш, фуқароларимизнинг хотиржам яшашлари ҳамда ҳалол меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратиб берган бўлса, Олий Мажлисга бўлажак сайловлар эса, юртимизда қонунлар устиворлиги, демократия ва ошкоралик, фуқаролар эркинлиги тўла таъминланганлигини бутун дунёга яна бир карра намойиш қилмоғи керак. Шу маънода кўппартиявийлик асосида ўтказиладиган ушбу сайловлар халқимиз учун ҳам, номзодлар учун ҳам ўзига хос синовдир.

Сайловолди дастуримизнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг қисқача мазмун-моҳиятини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Сиёсий-иқтисодий соҳада бош вазифамиз миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг гарови -- ижтимоий-сиёсий барқарорликни асрабавайлашга қаратилган оқилона ички ва ташқи сиёсатни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш. Мудлаога эришмоқ учун, албатта, беш тамойил асосида иқтисодий ислоҳотларни изчил давом эттириб, бозор шароитида меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояланишини, халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланган Конституциямиз ва бошқа амалдаги қонунлар устиворлигини таъминлаган ҳолда, аҳоли турмуш фаровонлигини узлуксиз яхшилаб боришга йўналтирилган ишларнинг самараси юксак бўлиши учун шарт-шароит яратишимиз керак. Чунки эндиликда халқимизга қуруқ ваъдалар эмас, балки амалий ишлар лозим.

Шу билан бирга, келгусида вилоятни замонавий технологиялар ёрдамида маҳаллий хомашёни қайта ишлаб, аҳоли эҳтиёжлари учун энг зарур тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи минтақага айлантириш диққат марказимизда турибди. Қарши шаҳрида Туркиянинг «Язекс» корпорацияси билан ҳамкорликда пахтадан тайёр кийим-кечак ишлаб чиқарувчи йирик тўқимачилик мажмуи ишга туширилади. Хорижий мамлакатлар кўмагида барпо қилинаётган 30 дан ортиқ йирик, ўрта ва кичик қўшма корхоналарнинг барчаси тўла қувват билан ишлай бошлайди. Нефть, газ ва улардан тайёрланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш узлуксиз кўпайтириб борилади. Истиқболда қўшни мамлакатларга ҳам электр қувватини сотиш имкониятини берадиган Толлимаржон ГРЭСи қурилиши жадал давом эттирилади.

Амалга оширилаётган ана шу иқтисодий ислоҳотлар барча тармоқларда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш билан бир қаторда маълум миқдорда ишчи кучининг бўшаб қолишига сабаб бўлади, албатта. Шуни ва аҳоли сонининг узлуксиз кўпайиб боришини назарда тутиб, дастуримизнинг асосий йўналишларидан бирини меҳнатга қобилиятли фуқароларни тўла иш билан таъминлашга қаратганмиз. Шу мақсадда саноат инфраструктураси жадал ривожлантирилмоқда, янги ерлар ўзлаштирилиб, халқ ҳунармандчилиги қайта тикланаяпти, пуллик хизмат кўрсатиш тармоқлари такомиллаштирилаётир.

Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, янги боғ-роғлар яратиш, атроф-муҳитни, шу асосда одамлар соғлигини муҳофаза қилиш, кўркам бинолар, кўчалар қуриш, қишлоқларни тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлашга қаратилган муҳим ижтимоий вазифаларга ҳам сайловолди дастуримизда алоҳида ўрин берилган.

Маълумки, ҳар қандай дастурий вазифа қанчалик жозибадор бўлмасин, агар уни ҳар бир фуқаро ўз шахсий иши деб қабул қилмаса ва ҳаётга татбиқ этмаса, бариси қоғозда қолиб кетаверади. Шу боис дастурий вазифаларимизни сайловчилар онгига етказиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш учун оммавий сафарбарлик кайфиятини яратиш мақсадида мафкурафий ишларни изчил олиб борамиз. Одамлар қалбида Ватанга, унинг порлоқ истиқболига ишонч ва эзгу мақсад йўлида фидойилик кўрсатиш туйғуларини янада шакллантиришга эътибор кучайтирилади.

Республикамизнинг барча меҳнаткашлари каби қашқадарёликлар ҳам 25 декабрь куни бўладиган сайловларда фаол қатнашиб, мамлакатимизнинг буюк келажагига ҳалол хизмат қиладиган муносиб номзодларга овоз беришларига, бу билан мустақил Ватанимизга бўлган садоқатларини якдиллик билан намойиш этишларига ишончим комил.

## Уббиниёз АШИРБЕКОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси:



«Олий Мажлисга бўлиб ўтадиган сайловлар Ўзбекистонда жамиятни янада демократиялаштириш йўлидаги ўзига хос кафолат бўлишига қаттиқ ишонаман». Бу -- Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укэру Магасакининг сўзлари. Бўлажак сайловлар ҳақида АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Кларк айтган қуйидаги гаплар ҳам диққатга сазовордир: «Сизлар давлатингизнинг демократия томон тарихий ривожланишида иштирок этиш имкониятига эга бўлолганингиз жуда катта бахтдир».

Дарҳақиқат, Олий Мажлисга бўладиган сайловлар эркин, демократик бўлиши ва у халқимизнинг хоҳиш-иродасини тўла-тўкис ифодалаши учун ҳамма асослар яратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан Олий Мажлисга депутатликка кўрсатилган номзодлар орасида иқтидорли иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, тадбиркорлар, мадaният ва фан вакиллари бор.

Бизнинг сайловолди дастуримиз, энг аввало, саноатни янада ривожлантириш, маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича кўплаб корхоналар яратиш. Ҳудудимизда геологик-тадқиқот ишларини кучайтириш ва кенгайтириш асосида саноат қувватини ошириш зарур. Минерал хомашё манбаларининг бой заҳиралари -- нефть ва газнинг ўрганилган ва маълум манбалари мавжудлиги меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш инфраструктурасининг анча юксак даражада эканлиги бу ниятларимизни амалга ошириш имконини беради.

Хорижий шериклар билан ҳамкорликда ишлаш учун қулай шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришда банд бўлган ишбилармонларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш диққат-эътиборимизда бўлади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш келажакда республика ҳудудида сармоядорлик фаолиятини жадаллаштириш ва маблағларни фақат зарур йўналишларга сарфлаш, ишлаб чиқаришни жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган маҳсулот етиштиришга тайёрлаш, экспорт имкониятларини ривожлантириш имконини беради. Пировард натижада ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг жаҳон бозорида ва ички бозорда рақобатлаша олишини таъминлаймиз.

Орол денгизининг қишлоқ хўжалик экинларига салбий таъсирининг олдини олиш, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни оширишнинг зарур чоралари белгиланмоқда. Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва республика аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш муаммоларини ҳал этиш ерларга ишлов бериш йўли билан ҳозирги суғориш зонасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришни тақозо этади. Ҳосилдор ерларнинг оборотдан чиқиб кетмаслигини таъминлашимиз керак. Ушбу тадбирлар пахта етиштиришни барқарорлаштириш, дон маҳсулотлари, сабзавот, мева, узум, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга кўмаклашади. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни тобора чуқурлаштира бориб, ерни ўз меҳнатидан манфаатдор бўладиган ҳақиқий эгасига топшириш лозим.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳам бош мақсаддир. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини хусусийлаштиришни кучайтириш, хизмат турларини ва кўламини кўпайтириш зарур, деб биламиз. Шунингдек, республика савдо ва маиший хизмат ташкилотлари харажатлари ҳисобидан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.

Соғлиқни сақлаш, маориф ва маданият соҳаларини ривожлантириш қанчалик зарур эканлигини ҳаммамиз биламиз.

Орол бўйида экологик аҳволни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш диққат марказимизда бўлади. Халққа тиббий хизмат кўрсатишнинг янги шаклларини жорий қилиш билан бу соҳага ажратилган маблағларнинг самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган нодастурий тиббий хизмат турларини рағбатлантиришга ҳам эришамиз.

Аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида белгиланган чора-тадбирларнинг оғишмай бажарилишига эришишни ҳам асосий мақсадимиз деб биламиз.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг икки йиллигига*

# ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

**Конституциямизда инсонпарварлик ғояларининг тантанасига, давлатимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ривожланишининг ўзига хослигига ҳамда миллий анъаналаримизни, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон давлатлари ўртасидаги мавқеини, нуфузини оширишга ва унинг давлатлараро муносабатларини белгилашга катта эътибор қаратилган.**

Конституция ўз ҳажми жиҳатидан кичик ва ихчам, аммо у олам-олам мазмун ва ҳуқуқий нормалар билан тўлдирилган бўлиб, олтита бўлим ва 128 моддадан ташкил топган. Унинг ҳар бир моддаси, ҳар бир боб ва бўлимида кўплаб ҳуқуқ ва бурчлар, эркинликлар белгиланган. Масалан, биргина иккинчи бўлимни олиб қарасак, у «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб аталиб, унда фуқароликка эга бўлиш асослари, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва бу ҳуқуқларнинг кафолатлари тўлиқ ёритиб берилган. Унда давлатимиз ҳудудида истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг жинси, ирқи, дини, тили ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, миллий урф-одатлари, анъаналари, яшаш тарзи, тили ва маданий бойликларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, миллий ўзига хослигини сақлаган ҳолда уларни ривожлантириш шарт-шароитлари белгилаб қўйилган. Барча фуқароларнинг бир-бирлари билан тенглиги эътироф этилиб, айрим шахсларга қўлланилиши лозим бўлган имтиёзлар фақат ижтимоий адолат принциплари асосида бўлиши тўлиқ кафолатланган. Айниқса, уларнинг истаган динига эътиқод қилиши ёки қилмаслиги ўзларининг ихтиёрига берилган бўлиб, бу ҳуқуқларнинг амалга оширилишини давлат ўз ҳуқуқий нормалари орқали мустаҳкамлайди ва уларнинг дахлсизлигини таъминлайди.

Бош қонунимизнинг эътиборга молик томони яна шунда кўринадики, унда республика фуқаролари ва давлатнинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари ўзаро боғлиқлиги тўлиқ кўрсатилгандир.

Мамлакатимиз ҳудудида яшаётган ҳар бир фуқаро жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакилларини сайлаш, ўзини-ўзи бошқариш асосида референдумлар ўтказиш каби демократик ҳуқуқий институтлар орқали қатнашади. У ўз сиёсий ҳуқуқларини касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, бошқа жамоат ва оммавий ташкилотларда фаол иштирок этиш йўли билан амалга ошириши мумкин. Мабодо, юқорида кўрсатилган жамоат ташкилотларида муҳолифатчи томон озчиликни ташкил этса ҳам бу шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ҳамда қадр-қимматларининг ҳеч бир киши томонидан камситилишига йўл қўймаслик давлат томонидан Конституция асосида кафолатланган.

Бозор муносабатларини ривожлантириш, айниқса, унинг ҳуқуқий механизмини таъминлаш мақсадида давлат томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устунлиги эътиборга олинган ҳолда барча ҳуқуқий муносабатлар субъектларига мустақиллик, тенглик, фаоллик кўрсатиш, иқтисодий рақобат, тадбиркорлик, самарали меҳнат имкониятлари тўлиқ яратилди. **«Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини, -- дейилади янги Конституциямизда, -- хилма-хил шакллардаги мулклар ташкил этади. Яъни, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Ҳар бир мулкдор, қандай шахс бўлишидан қатъий назар, ўз мулкидан ўз хоҳишича ёки Қонунларда, устав ва низомларда кўрсатилган ваколатлари асосида фойдаланар экан, улар, аввало, бошқа шахсларнинг манфаатларига, айниқса, экологик муҳитга ва давлат манфаатларига зарар етказмасликлари лозим».**

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи хилма-хил мулкчилик шаклларининг барчаси ва хўжалик юритишнинг қулай бўлган шаклларини танлаб олишга катта эътибор қаратилган бўлиб, айниқса, конституцион асослар бошқа мулк шакллари каби хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат томонидан тўлиқ ҳимояланиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Янги Конституцияда оналар, хотин-қизлар, аёлларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлар кўлами бўйича эркаклар билан тенглиги алоҳида 46-моддада яна бир бор мутлақ асосда мустаҳкамлаб берилган бўлса, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларнинг аҳволини яхшилаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини кафолатлаш, пенсиялар, нафақалар ёки ижтимоий ёрдам турларининг миқдорини кўпайтириш ва кенгайтириш, хайрия фондларининг рағбатлантирилишига ҳам катта эътибор қаратилган. Шунингдек, ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, касб танлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқлари ҳамда қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда уларга тааллуқли бўлган ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқлари Конституцияда тўлиқ кенгайтирилган асосда ўз ифодасини топди ва бундан кейин ҳам бу масала давлатимизнинг биринчи вазифаси эканлиги яна бир марта кўрсатилди.

Бугунги кунда барча меҳнаткашларимиз томонидан орзиқиб кутилаётган Олий ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар куни, унинг кўппартиялилик асосида белгиланиши ва қизғин тайёргарлик олиб борилиши Конституциямизнинг жаҳоншумул аҳамиятга молик эканлигини, демократия ва ижтимоий адолатга суяниб, барча миллату элатлар ҳуқуқ ва бурчларининг амалга оширилишини яна бир бор кафолатламоқда.

Қонун ва давлат бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Давлат ҳуқуқсиз, ҳуқуқ эса давлатсиз ҳеч қачон ўз вазифаларини бажара олмайди. Қабул қилинган қонунларимиз Конституциямизга мос ҳолда мустақил давлатимизнинг хусусиятларини, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ривожланишини ҳамда миллий одат, инсонпарварлиги ва маданият олами ютуқларини эътиборга олган ҳолда турмушга татбиқ этилмоқда. Халқ иродаси, инсон манфаатини кўзлаш ва таъминлаш -- қонунларимизнинг асосий вазифаси.

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро сиёсий майдондаги, халқаро иқтисодий муносабатларда ҳамма халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатидаги ҳуқуқий ҳолатлари «де юре» сифатида кўпчилик жаҳон мамлакатлари томонидан тўлиқ тан олинганлиги оламшумул аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. Унинг статуси аниқланди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 1 сентябрда ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1992 йил 2 мартда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан давлатимизнинг тан олинганлиги ва у БМТга қабул қилинганлиги, яъни жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли, суверен давлат сифатида халқаро ҳуқуқнинг аъзоси сифатида эътироф этилганлиги жаҳон микёсига эга бўлган муҳим сиёсий, ҳуқуқий воқеликдир.

Республикамиз Президенти ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари Ҳамдўстлигининг вужудга келиши, республикамиз манфаатини кўзлаган ҳолда Минскдаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги дўстона давлатларимиз учрашуви баъзи муносабатларнинг давлатимиз манфаатини эътиборга олган ҳолда ҳал этилганлиги, Хельсинкидаги ва Швейцариядаги расмий учрашувлар, жаҳон мамлакатларига бўлган ташрифлар, Марказий Осиёда ягона бўлган жаҳон иқтисодий ва дипломатик университетининг очилиши, контрактлар, шартномалар ва халқаро битимларнинг тузилиши мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги ўз мажбуриятларини тўлиқ бажараётганлигини исботламоқда.

Янги Қомусимиз нафақат ҳуқуқий хазина, балки у барча соҳаларнинг манбасидир. Шу боис уни олий ўқув юртлари, мактаб ва муассасаларда чуқурроқ ўрганишга давлат, фуқаролик, хўжалик, никоҳ ва оила, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари тарғиботига кўпроқ эътибор берилиши керак. Ҳуқуқий иқтисод фанини ўқув қўлланмаларига киритиш мақсадга мувофиқдир. Хуллас, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини янада ошириш лозим.

Конституциямиз қабул қилинганлиги икки йиллигини орзиқиб кутар эканмиз, келажаги буюк давлатимиз Қомусининг ишлаб чиқилишида жаҳон мамлакатлари, айниқса, Осиё, Европа, Америкадаги энг илғор давлатларнинг тажрибаси ва умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларидан, республикамизда сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг ютуқларидан самарали фойдаланилганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Конституциямизда ўзбек оламининг ўзига хослиги, бошқариладиган бозор муносабатларининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий хусусиятларини ҳамда мустақил давлатимизнинг танлаб олаётган «Ўзбекистон модели» йўналишининг ҳуқуқий асослари тўлиқ ёритиб берилганлиги ҳам кишига олам-олам завқ бахш этади.

**Орол ЭРНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик бўлими бошлиғининг ўринбосари.**

Тошкент давлат университети маъмурияти, ўзбек филологияси факультети жамоаси факультет катта ўқитувчиси
Анортой ЙЎЛДОШЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси жамоаси муҳаррир Марям Султонхўжаевага отаси
Каримжон ТУРДИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

12-трест акционерлик жамияти бошқаруви бошқарувнинг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Х. Жумаевага отаси
Васил ЖУМАЕВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• *Танлов*

# ЙИЛНИНГ ЭНГ ИЛҒОР ЎҚИТУВЧИСИ

**Киночилар уйида «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлардан келган 14 нафар ўқитувчи иштирок этди. Танлов қатнашчилари халқ маорифининг бугунги куни, ўқитувчилар обрў-эътиборини янада ошириш, таълим-тарбия ишларини фаоллаштириш, уларнинг ўз меҳнатига ижодий ёндошишлари ҳамда кашфиётчи ўқитувчиларни аниқлаш каби муҳим масалалар юзасидан ўз билим ва тажрибалари билан ўртоқлашдилар.**



Танловда фахрли биринчи ўринга тадбирнинг энг кенжа иштирокчиси -- Фарғона вилоятининг Боғдод туманидан ташриф буюрган **Тўлқиной ХАЛИЛОВА** сазовор бўлди. Андижон вилоятида яшовчи **Шаробиддин ХАСАНОВ** иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин эса тошкентлик ўқитувчи **Кундузхон ДАДАМУРОДОВАГА** насиб этди.

Тадбир давомида танлов ғолибаси Тўлқиной ХАЛИЛОВни суҳбатга чорладик:

**-- Тўлқиной, аввалambор Сизни бу ютуқ билан муборакбод этаман.**

-- Раҳмат.

**-- Кўрик-танлов ҳақидаги мулоҳазаларингиз қандай?**

-- Бундай танловларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, ўқитувчиларни тинимсиз изланишга, ўз устида кўпроқ ишлашга ундайди. Бу эса ўз навбатида ўқитувчиларнинг талабчанлигини, билим савиясини оширади. Ҳолбуки, бугунги кунда, ҳар бир соҳада тадбиркор, билимдон мутахассисларнинг кўп бўлиши мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги учун зарур.

**-- Тўлқиной, танловда биринчи ўринни олишни ҳеч ўйлаб кўрганмидингиз?**

-- Ҳаёт қизиқ экан. Ўйламаган нарсаларинг амалга ошаркан. Бу бахтгами, ё омадгами боғлиқ бўлса керак-да.

**-- Сиз нима учун айнан шу касбни танладингиз? Дастлаб ишни бошлаганингизда қийналиб қолмадингизми?**

-- Ўқитувчилар сулоласидан бўлганлигим учун ҳам менда ёшлигимданоқ бу касбга меҳр уйғонган. Ота касбини ардоқлаб, изчил давом эттириб келаётганимдан фахрланаман. Бундан уч йил олдин иш фаолиятимни тарих фанидан дарс бериш билан бошлаганман. Дастлаб иш бошлаганимда ҳамкасбларим мендан ёрдамини аямади.

**-- Эшитишимча, шеърлар ёзар экансиз? Шеърларингиздан бирини ўқиб бера оласизми?**

-- Ҳа, кўп эмас, илҳом келгандагина шеър машқ қилиб тураман:

**Мозийга қайтаман, чўмиб хаёлга,**
**Кечмишларинг ўйлаб, қилолмам адоқ.**
**Фикр аро чарх урган ўнлаб саволга,**
**Тарих силсиласи беради садо.**
**Турон деб аталган бу кўҳна диёр,**
**Кимларга армондир, кимларгадир шон.**
**Нуради, тикланди такрор ва такрор,**
**Ва лекин ўзлигин сақлади омон.**
**Фириб, найранглардан қаддин букмаган**
**Имону эътиқод, шонга маконсан,**
**Умрида ғанимга бошин эгмаган,**
**Эрксевар Ватаним -- Ўзбекистонсан!**

Танлов якунида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев танлов ғолибларига вазирликнинг эсдалик совғаларини топширди. Танловнинг 1-ўрин соҳибаси Тўлқиной вазирликнинг «Йил ўқитувчиси» ва «Халқ таълими аълочиси» нишони, кўрик-танловнинг биринчи даражали дипломи билан ҳамда нақшинкор гулдон ва рангли телевизор билан тақдирланди. Иккинчи ўрин соҳиби иккинчи даражали диплом, гулдон, магнитафон, учинчи ўрин ғолиби эса учинчи даражали диплом, гулдон, чангютгич каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Бу кўрик танлов ўқитувчиларнинг ҳақиқий байрам шодиёнасига айланиб кетди. Танловни Ўзбекистон телевидениесининг сухондонлари Муслимбек Йўлдошев билан Дилоромхон Умаровалар олиб боришди.

**Аслиддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА: танлов ғолибига соврин топширилаётган пайт.**

• *Акс-садо*

# КУЁВЖЎРА БЎЛИБ КИМЛАР БОРИШМОҚДА?

**«Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз» («Халқ сўзи» рўзномаси, 1994 йил 20 октябрь) сарлавҳали давра суҳбатида кўтарилган масала муҳим аҳамиятта эгадир.**

Бундай давра суҳбатларни маҳаллаларда ҳам оқсоқоллар иштирокида ўтказиб бориш зарур. Чунки бунинг олдини олиш тўйхоналарда бўлаётган айрим фожиаларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Мен пойтахтимиздаги кўпгина тўйларда (ҳатна туйи, никоҳ тўйи, бешик тўйи ва бошқаларда) бўлиб тураман. Маълумки, ҳозирги бозор иқтисоди, айрим етишмовчиликларга қарамай, баъзи тўйларимизда ҳаддан ташқари исрофгарчиликка, ортиқча харажатларга йўл қўйилмоқда. Бундай тўйлар кўпроқ ўзини кўз-кўз қилмоқчи бўлган шахслар-тижорат билан шуғулланувчи ёки айрим амалдорлар томонидан амалга оширилмоқда. Бундай тартибда тўйларни олиб бориш кўпчилик ёшларда тарбиявий томондан салбий характерларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Масалан, уйланиши зарур бўлган йигитлар тўйни тантана билан ўтишини истайди. Биргина никоҳ кечасига қилинадиган талабларни ҳисобланг: аввало, энг ками 200-300 кишига етарли дастурхонни безатиш зарур. Сўнг карнай-сурнайдан ташқари шаҳардаги атоқли санъаткорни ўз ансамбли билан таклиф этиш, тўйхонани электр нури билан безатиш, маросимни видеога олиб бориш, тўйни чиройли сўзлар билан тантанали олиб борувчи киши, (буларнинг нархи ҳам кўтарилди) санъаткорлар устидан пул сочиш, (қистиришлар буларга кирмайди). Тўйхонага қўйилаётган ичимликлар, хилма-хил овқатлар ҳақида сўзламай қўяқолай. Энди ана шу тўйхона атрофида ёш болалар кўрсатаётган «ҳангомалар»ни кўрсангиз! Хонадонлардаги беморлар безовта бўлмоқда, яқинда таъмирдан чиққан кўп қаватли уйларнинг оппоқ деворлари (мактаб ва боғчаларнинг ҳам) қоп-қора шафралар билан безатилмоқда. Бу тартибсизликлар натижасида кўпгина фожиалар вужудга келмоқда. Бунинг олдини олиш керак. Бундан ҳам ачинарлиси шуки, тўй куни куёвжўралар келинникига бориб келиши зарур. Унга албатта, битта автобус буюртма қилинади. Аммо автобусда фақат куёвжўралардан 10-12 та йигит бўлади-ю, қолганига 20--30 га яқин 10--12 яшар болалар чиқиб, келинникига тўс-тўполон билан боришади.

Маҳалламиздаги 9 қаватли бинода қиз чиқариш маросими бўлди. Куёвжўралардан 20 киши 6-қаватга чиқарилиб, «яхшилаб» кутиб олинди. Аммо юқори қаватга чиқмаган-пастки тўйхонада қолган 20 дан ортиқ ёш бола юқорига чиқмагани сабабли аразлаб тўполон қилишди. Столга қўйилган меваларни тўкиб-сочиб бир-бирига отган, чойнак-пиёлаларни синдирган...

Шуларни эътиборга олиб таклифлар киритмоқчи эдим:

кейинги вақтларда тўй ва у билан боғлиқ ортиқча сарф-харажатлар (пул сочиш, ЗАГС дан ўтгач, ресторан-кафелардаги ўтиришлар, тўйни олиб борувчи махсус тўйочарларни таклиф қилиш кабилар) мутлақо керак эмас;

куёвжўралар катта автобусда эмас, балки 20--25 киши 4--5 та оддий машиналарда келинникига келиб-кетса бўлади. (Бир машина болаларни йиғиб олиб бормаслик зарур деб биламан).

Ҳа, юқоридаги каби ортиқча харажатларни қисқартириш учун ҳар бир маҳалла оқсоқоли бошчилик қилиши зарур.

**Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,**
**Тошкент шаҳридаги «Ибн Сино» маҳалла қўмитасининг котиби.**

• *Спорт*

# ЧЕМПИОНАТ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

**Март ойида бошланган футбол бўйича Ўзбекистон III чемпионати ўтган ҳафтанинг охирида ниҳоясига етди. Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси Осиё чемпионлари кубогида қатнашиш учун Катарга жўнаб кетганлиги муносабати билан олий лигада фақат битта учрашув («Сўғдиёна» -- «Нефтчи») ўйналмай қолди.**

Гарчи, якшанба куни ўтказилган сўнгги тур учрашувлари совриндорлар ва лигани тарк этувчилар мавқеига ҳеч бир ўзгартиш киритмаслиги олдиндан маълум бўлса-да, баъзи учрашувлар кескин курашлар остида ўтди. Футбол мухлислари яхши хотирлашади -- бу йилги мавсумни Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида лиганинг янги вакили -- «Сурхон»га ютқазиш (0:1) билан бошлаган эди. Чемпионатнинг сўнгги учрашувида ҳам тошкентликлар айнан шу жамоадан Термизда мағлубиятга учради. (АСК -- «Пахтакор») -- (2:0)

Турнинг марказий учрашуви МҲСК майдонида ўтказилди.

Бир тур олдин чемпионатнинг «бронза» медалини нақд қилиб қўйган «Навбаҳор» жамоаси ҳарбийчилар меҳмони бўлди. Унда МҲСК жамоаси 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Наврўз» -- «Нурафшон» -- 1:4, «Сўғдиёна» -- «Политотдел» -- 1:0, «Янгиер» -- «Атласчи» -- 5:0, «Трактор» -- «Гулистон» -- 1:0, «Чирчиқ» -- «Темирйўлчи» -- 2:1.

Шундай қилиб, «Нефтчи», «Нурафшон» ва «Навбаҳор» жамоалари Ўзбекистон III миллий чемпионатининг совриндорлари бўлишди. Нукуснинг «Орол» ва Сирдарё вилоятининг «Гулистон» жамоалари эса олий лигани тарк этишди. (Чемпионатнинг якунига доир батафсил маълумотлар билан газетамизнинг келгуси сонларининг бирида танишасиз). Улар ўрнида келгуси мавсумда Муборакнинг «Машъал» ва Самарқанднинг «Динамо» жамоалари олий лигада тўп суришади. Сўнгги турда муборакликлар ўз майдонида Жиззахнинг «Йигирувчи» жамоасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратишиб, мавсумни биринчи ўрин билан якунлашга эришишди. Самарқандликлар улардан бир очко ортда қолишди. Сўнгги тур учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилинди:

«Локомотив» -- «Ғазалкент» -- 3:1, «Динамо» (У) -- «Кимёгар» -- 1:1, «Насаф» -- «Мебелчи» -- 2:0, «Олтинкўл» -- «Кушон» -- 3:1 «Норин» -- «Бахт» -- 3:2, «Зарафшон» -- «Боғдод» -- 6:1, «Прогресс» -- «Металлург» -- 2:0.

Лигани «Насаф», «Динамо» (У) ва «Йигирувчи» жамоалари тарк этишади.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ**
**(Олий лига, 1994 йил)**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Нефтчи» | 29 | 21 | 8 | 0 | 80:32 | 50 |
| 2. «Нурафшон» | 30 | 20 | 4 | 6 | 63:31 | 44 |
| 3. «Навбаҳор» | 30 | 17 | 6 | 7 | 58:26 | 40 |
| 4. МҲСК | 30 | 16 | 7 | 7 | 57:28 | 39 |
| 5. «Темирйўлчи» | 30 | 16 | 4 | 10 | 50:42 | 36 |
| 6. «Политотдел» | 30 | 14 | 7 | 9 | 45:35 | 35 |
| 7. «Сўғдиёна» | 29 | 14 | 6 | 9 | 50:32 | 34 |
| 8. «Пахтакор» | 30 | 12 | 10 | 8 | 55:38 | 34 |
| 9. «Трактор» | 30 | 10 | 7 | 13 | 27:33 | 27 |
| 10. АСК | 30 | 11 | 4 | 15 | 41:50 | 26 |
| 11. «Наврўз» | 30 | 11 | 3 | 16 | 34:50 | 25 |
| 12. «Янгиер» | 30 | 8 | 6 | 16 | 44:44 | 22 |
| 13. «Атласчи» | 30 | 6 | 7 | 17 | 28:58 | 19 |
| 14. «Чирчиқ» | 30 | 8 | 2 | 20 | 31:77 | 18 |
| 15. «Орол» | 30 | 6 | 3 | 21 | 29:65 | 15 |
| 16. «Гулистон» | 30 | 6 | 2 | 22 | 15:66 | 14 |


# "СОВҒА" ЛОТЕРЕЯСИ —

## БУ СИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ЛОТЕРЕЯДИР!

*Бунақаси ҳеч бўлмаган! "Совға" лотереяси Сизга реал ютуқ ютиш имконини беради! Лотерея ўйинига автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель комплекслари, гиламлар ва турли хил халқ истеъмол моллари қўйилган.*

Ютуқ чиқиш имкони катта, чунки лотереяга умумий сумманинг 70 фоизи ютуқ сифатида тарқатилади.




**"СОВҒА" лотереяси чипталарини Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо корхоналаридан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.**

**Билет баҳоси - 10 сўм.**

**Шошилинг! Ютуқлар тиражи 28- 29 декабрда Тошкент шаҳридаги "Наврўз" саройида ўтказилади.**

**Лотерея сотиб олинг ва тиражда қатнашинг!**

**Сизга омад тилаймиз!**

**Маълумот учун телефонлар: 45-35-49, 45-66-43, 33-81-95.**

*Шошилинг ! Ютуқлар тиражи 28-29 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилади.*
Тўлиқ маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг барча муассасаларидан, шунингдек, 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 рақамли телефонлар орқали олишингиз мумкин.

*"СОВҒА" ЛОТЕРЕЯСИ — Сизнинг оилангиз учун совғадир! "Совға" лотереясини сотиб олиб бахтли қимматбаҳо ютуқлар: автомобиль, видеоаппаратура, телевизор, мебель ва бошқа халқ истеъмол молларининг эгаси бўлишингиз мумкин.*

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги* *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки* *Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки* *"Ўзбексавдо"* *"Ўзбекбирлашув"*





ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

• БЎЛИМЛАР:
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;*
*Иқтисодиёт 32-36-65;*
*Маънавият 32-35-60;*
*Ахборот 32-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — О. Раҳимов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 1244 71326 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.00.

Х 2 3 4 5 6